Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
19-yanvar,
seshanba,
№ 8
(3669)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз билан 2015 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистонга ташрифим чоғида учрашганим менга улкан мамнуният бағишлади. Шахсан Сизга ва Ўзбекистон ҳукумати вакилларига самимий қабул ҳамда самарали мулоқотлар учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизнинг хусусий секторни Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айлантириш борасидаги стратегик концепциянгизни юксак баҳолайман ва қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон кейинги ўн йиллар давомида эришган улкан ютуқлар ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада ривожлантириши учун тараққиётнинг янги усулларини топиши зарур деган фикрга тўла қўшиламан. Давлат секторини бошқариш самарадорлиги ва очиқлиги халқаро стандартларга мувофиқ олиб борилаётган Ўзбекистонда замонавий технологиялар билан жиҳозланган, давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган хусусий сектор бундай ўсишни таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, Жаҳон банки гуруҳи Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди ва ўзаро шериклигимизнинг навбатдаги концепцияси доирасида мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти янада юксалиши йўлида ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Самимий эҳтиром билан,

Сирил МЮЛЛЕР,
Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Келажагимиз таянчи

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Айни мақсадга хизмат қилаётган изчил ва кенг кўламли чора-тадбирлар аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, соғлом авлод туғилиши ва улғайишини таъминлаш, оила институтини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

Муносабат

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси жойларда кенг ўрганилмоқда

Юртдан фахрланиш бахти

Ғурур ва ифтихор туйғулари кишига ўзгача завқ берсада, уни ҳар доим ҳам ҳис қилавермаймиз. Қачонки, ўзимиз ёки бирор яқинимиз муваффақиятга эришса, бу туйғу инсонни нечоғли юксакликка кўтаришини ҳис қиламиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасини тинглар эканман, барча юртдошларимиз қатори менинг ҳам қалбим ана шундай юксак фахр-ифтихорга тўлди.

Маърузада қайд этилган 2015 йилда иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис, ижтимоий ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, юқори ўсиш суръатлари кимни қувонтирмайди?! Зеро, ҳаётимиз, халқимизнинг улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик қудрати шунга муносиб. Кейинги 11 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмаётгани тараққиётнинг «ўзбек модели» нақадар пухта ва узоқни кўзлаб ишлаб чиқилгани, тўғри ва оқилона қарор бўлганини ҳаётнинг ўзи бот-бот исботламоқда.

Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, ўтган йил БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилганидан севинмай бўладими?!

Дунёдаги юзлаб давлатлар орасида, ҳатто тараққий этган кўплаб мамлакатларни ҳам ортда қолдириб, мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига эндигина 25 йил тўлаётган Ўзбекистон номининг ёзилиши биз учун ғурур эмасми? Собиқ тузум даврида ҳатто шунақа юрт борлигини билмаганлар энг нуфузли рейтингларда унинг номини қайд этаётган экан, бу ғурур эмасми? Таъбир жоиз бўлса, бир пайтлар «рўйхатларда номи йўқ» бўлган юрт иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг манаман деган давлатларининг энг олдинги ўринларидан бирида турса, халқимиз эришаётган улкан марралар ўзимизни юксакликка кўтариб, ўзгаларнинг ҳавасу ҳайратини оширса, ғурур-ифтихор деганлари шу эмасми?

Инсон манфаати ислоҳотларнинг асосини ташкил этиши, давлат бюджетининг салмоқли қисми таълим, соғлиқни сақлаш, умуман, ижтимоий соҳага йўналтирилиши кимнинг ҳавасини уйғотмайди?!

Бу — шунчаки рақамлар эмас. Бу — Ўзбекистоннинг тинчликсевар, халқпарвар сиёсатининг мазмун-моҳияти, унинг самарасидир. Халқимизнинг ҳаётга шукронаси, улуғ мақсадларининг ушалиши, эзгу ниятларининг рўёбидир.

— Қўшнимиз шаҳардаги шифохонада даволаняпти, — дейди қишлоқдан келган кекса муаллим. — Қуруқ қўл билан бормай, деб томорқада етиштирилган олма-анор, узум олган эдим. Яна ул-бул харид қилай деб, бозорга тушсам, очиғи, ҳозиргина узиб келтирилгандек териб қўйилган мева-чеванинг кўплигидан оғзим очилиб қолди. Буларнинг ҳаммаси четдан келтирилган-да, на таъм, на маза бор, нархи ҳам осмонда бўлса керак, деди шеригим. Сотувчи йигит «ўзимизнинг маҳсулот, замонавий омборларда сақлаганмиз», деб арзон нархни айтди ва қўярда-қўймай, татиб кўришга ундади. Ҳақиқатдан ҳам ўзимизнинг мева-чева. Қайси юртда одамларнинг қандай яшашини билмоқчи бўлсанг, бозорига бор, деб бежиз айтилмаган. Бугуни бозорларимиз ҳаётимизнинг чинакам кўзгуси.

Маърузада мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишнинг 2016 йилга мўлжалланган вазифаларини белгилашда фақатгина бир йил эмас, балки 2030 йилгача бўлган даврни ҳисобга олиб, дастурлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Яъни 2030 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозиргидан камида 2 баробар оширишга эришиш зарурлиги қайд этилди.

Бугун юртимизда кечаётган ислоҳотлар, мавжуд имконият ва юксак салоҳият, халқимизнинг давлат сиёсатига бўлган ишончи ва хайрихоҳлиги олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйиш, уларни амалга оширишга асос бўлади, албатта. Бинобарин, халқимиз фақат бугуни билан яшамайди. Ҳар бир юртдошимиз эртанги куни, фарзандлари, набиралари келажагини ўйлаб яшайди, уларнинг ўзидан-да бахтли, фаровон турмуш кечиришини истайди. Буни ҳаётининг мазмуни, деб билади. Зеро, қалби эзгуликка тўла, мақсадлари буюк халқ ҳар қандай маррани забт этишга қодир.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Туҳфа

Замонавий, кўркам

Жарқўрғон туманидаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 212 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Янги йилда замонавий, кўркам, турли ўқув лаборатория ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналарда таълим олишни бошлаган болажонларнинг шодлиги чексиз.

Туманда фаолият юритаётган Олимжон Кўчкинов раҳбарлигидаги «Олимқурилиштранс» хусусий корхонаси жамоаси томонидан 956 миллион 600 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари белгиланган муддатда бажарилди.

— 3 қаватли бинода замонавий ўқув хоналари, спорт зал, шинам ётоқхона ҳамда ошхона ўрин олган. Ўқув хоналари белгиланган талаблар даражасида жиҳозланган. Бу эса ўқувчиларимизнинг билим олишга бўлган қизиқишини янада ошириш ва дарс машғулотлари самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади, — дейди 12-ихтисослашган мактаб-интернат директори Орифжон Ҳайитов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 9 декабрдаги “Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида ўтказилган мазкур тадбирда ҳарбий хизматчилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах шаҳридаги “Сўғдиёна” стадиони ўрнида “Универсал” замонавий спорт иншооти барпо этилди. Бу билан вилоятда спорт иншоотлари сони қарийб 2 минг 800 га етди. 11 минг 600 ўринли футбол майдонини ўз ичига олган мазкур мажмуанинг ишга туширилиши вилоятда спортни янада ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган шароитлар юксак самара бераётир.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқандда “Намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари қатнашди.

Танловда “Энг маҳоратли профилактика инспектори”, “Энг обод ва осойишта маҳалла раиси”, “Фидойи маҳалла посбони”, “Маърифатпарвар маслаҳатчи”, “Адолатли яраштириш комиссияси”, “Баркамол авлод етакчиси” каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ўз мухбирларимиз

Саёҳат

Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги 22-, 23- «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларидан 50 нафарининг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштирди.

Саёҳат давомида кўҳна обидалар, Самарқанд тарихи музейи билан танишув болажонларда катта таассурот қолдирди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Танлов якунланди

Меҳнат рағбатга ундайди

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти томонидан эълон қилинган «Кексалари эъзозланган юрт» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Салкам бир йил давом этган танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратаётган фаоллар ўртасида ғолибларни аниқлаб берди.

(4).

Аскар оналарини шарафлаймиз

>> 2

Кичик бизнес — тараққиёт ва фаровонлик омили

>> 3

Кўчма кубок ғолиби аниқланди

>> 4

Байрам шукуҳи

Акция доирасида

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 24 йиллиги муносабати билан Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Н-ҳарбий қисмда «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида тадбир ўтказилди.

Унда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳарбий қисмга қимматбаҳо совғаси, 9 нафар илғор ҳарбий аёлга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи, ички ишлар, миллий хавфсизлик органлари ходимларининг оилаларига манзилли моддий ёрдам берилди. Бухоро шаҳри ҳамда Қоракўл туманидаги ҳарбий қисмларга касаба уюшмалари томонидан китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Адолат АКРАМОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси матбуот котиби

Ходимлар куч синашди

Навоий вилоятида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича вилоят турнири ўтказилди.

Мусобақаларда вилоятдаги 18 та тиббиёт муассасасидан 150 нафардан ортиқ ходим иштирок этди. «Саломатлик» маркази жамоаси 1-, Навоий тиббиёт коллежи 2-, Сил касалликларига қарши болалар санаторийси жамоаси 3-ўринни эгаллашди.

Ғолиблар, номинациялар бўйича фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга ҳамда мусобақа ташкилотчиларига касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Феруза МАРДИЕВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси

Тинчлик – бебаҳо неъмат

Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар тинчлик бебаҳо неъмат эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида ўғлонларимизни мард, юрт хизматига шай инсон этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилгани ва бу ўз самарасини бераётганини алоҳида тилга олишди. Тиббиёт ходимлари ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қатор ишларни амалга ошираётгани боғча, мактаб ва коллежларда ўтказилаётган тиббий кўриклар, соғлом турмуш тарзига доир давра суҳбатлари ёшларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб камол топишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Тадбирда туман тиббиёт бирлашмасида фаолият кўрсатаётган байналмилалчи жангчилардан уролог Одилбек Тажимов, реаниматолог Тилавбой Эшназаров ва тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Тўлибой Курбоновга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Тиббиёт ходимлари ўртасида ташкил қилинган шахмат, шашка мусобақаси ғолиблари ҳам тақдирланди.

Гулора НУРМАНОВА,
Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Аскар оналарини шарафлаймиз

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, "Камолот" ЁИҲ, Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида "Аскар оналарини шарафлаймиз" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда ҳарбийлар ва фахрийлар, ўқитувчилар, ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётганлар ва уларнинг ота-оналари, талабалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар фуқароларимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ва жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлашди.

ТДЮУ мутахассислари мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва юртимизда тинчликни ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида сўзлаб берди.

Аскар оналари ҳамда ҳарбий қисмда намунали хулқи, юқори натижалари билан барчага ўрнак бўлиб келаётган ҳарбийлар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Тадбир "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаларининг концерт дастурига уланиб кетди.

Ўз мухбиримиз

Ҳудудий комиссиялар фаолиятидан

Жамоа шартномаларида аёллар манфаатлари

Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилингани оила чироғи ва чироғбони бўлган биз, аёлларни беҳад қувонтирди.

Вилоятимиздаги мавжуд 2206 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида 242 минг нафарга яқин аъзо бўлиб, улардан 183 891 нафари ёки 76 фоизини аёллар ташкил этади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар комиссияси аёлларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, хавфсиз меҳнат шароити, иш берувчининг адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саломатлигини тиклаш масалаларида фаол қатнашмоқда. Жумладан, жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш, уларга иш ва ўқиш жойларида соғлом ва хавф-хатарсиз шароит яратиб бериш, иш билан таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, соғломлаштириш масалалари киритилиб, ижроси таъминланмоқда.

Жамоа шартномаси ва келишувларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қўшимча имтиёзлар, кафолатлар яратилиши борасидаги ишлар ўрганилиб, комиссия йиғилишида муҳокама этилди. Ибратли ишлар амалга оширилгани баробарида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги аниқланиб, аҳволни янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Хотин-қизлар комиссияси аъзоларидан Д.Султонова ва Н.Ғаффарова бирлашманинг жамоа шартномалари ва келишувларини экспертизадан ўтказиш комиссияси таркибига киритилган бўлиб, улар томонидан 2015 йилда 12 та ҳудудий тармоқ келишуви, 11 та ҳудудий келишув ва 17 та жамоа шартномаси муносиб баҳосини олди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш юзасидан Келишувлар ва жамоа шартномаларига тегишли таклифлар берилиб, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Жамоа шартномалари орқали ўтган йилда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 497 нафар ёш онага 390 та корхона ва ташкилотда 55 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 2611 та оиланинг фарзандлари учун 686 та корхона ва ташкилотда 82 млн. сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар олиб берилди. Шунингдек, 119 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 185 нафар болали аёлга нисбатан ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Комиссия томонидан Наманган шаҳридаги «Нафис текстил», «Текстил» МЧЖлари, Наманган туманидаги «Ободонлаштириш» бошқармаси, Учқўрғон туманидаги «Пахта тозалаш заводи»да ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзларнинг бажарилиш аҳволи ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Мингбулоқ ва Тўрақўрғон туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган ҳамда касаначилик билан шуғулланаётган аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси таъминланиши, уларга хавфсиз ва етарли иш шароитлари яратилиши ўрганилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани, айниқса, қувончли ҳолдир. Аёллар қонун доирасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятини тобора теранроқ англаб боришмоқда. Буни улар томонидан амалга оширилаётган мурожаатлар мазмунидан ҳам сезиш мумкин. Бирлашмага ўтган йилда жами 144 та оғзаки мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 87 таси аёллардан. Барча мурожаатлар ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, Наманган, Мингбулоқ ва Учқўрғон туманларидаги 7 та ташкилотда хотин-қизларга яратилган меҳнат шароитлари таҳлил этилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитининг яратилишига эришилди. Жамоа шартномаси шартларига киритиш орқали корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар учун алоҳида кийиниш хоналари, ювиниш, дам олиш ва аёллар гигиенаси хоналари ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Қон қуйиш, Кардиология, шаҳар, туман тиббиёт марказларида, Агросаноат тизимида «Нестле» Ўзбекистон МЧЖ, Наманган шаҳар ва Учқўрғон дон маҳсулотлари АЖ, Учқўрғон Ёғ ОТАЖ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тизимида «Наманган тола текстил», «Нафис текстил», «Истиқлол» ва «Идеал» МЧЖ корхоналари ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича намунали деб топилган. Ушбу корхоналарда аёллар учун сут, махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий гигиена воситалари ўз вақтида бепул бериб келинмоқда. Касб касалликларининг олдини олиш мақсадида белгиланган муддатларда аёллар тиббий кўрикдан ўтказилаётир.

Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида вилоят касаба уюшмалари томонидан туманларда аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш бўйича шохобчалар ташкил этиш орқали вақтинчалик ишсиз ва коллеж битирувчиларига янги иш ўринлари яратиш механизми яратилди. Бунга асосан туман тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари томонидан ҳар бир ҳудудда коллеж битирувчилари ва вақтинчалик ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда биттадан маҳалла танлаб олиниб, шу маҳаллаларда бўш турган бинолар вақтинча маълум бир муддатга бепул фойдаланиш шарти билан (ижара тўловисиз) фуқароларга олиб берилди. Ҳозирги кунда Косонсой туманидаги «Ширин», Норин-даги «Чўжа», Учтепа, Тўрақўрғондаги «Ёртепа», Попдаги «Янгиҳаёт», Уйчидаги «Ўнҳаят» каби ўнлаб ҚФЙнинг ҳар бирида 4-5 тадан аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиб, улар учун бир йил муддатда маблағни қайтариш шарти билан зарур жиҳозлар олиб берилди. Шу орқали ишсиз фуқаро ва коллеж битирувчилари иш билан таъминланди.

Шунингдек, хотин-қизлар бандлиги дастурларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш мақсадида Мустақилликнинг 24 йиллигига бағишланган тадбирларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан 136 нафар хотин-қизга электр-маиший техника жиҳозлари бепул тақдим этилди.

Хотин-қизларнинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни тизимли равишда ташкил қилишга эришилди.

Касаба уюшмаларининг хотин-қизларни соғломлаштириш борасидаги фаолиятига кўмаклашиш натижасида аёлларнинг тиббий маданиятини ошириш, улар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда эҳтиёжманд, кўп болали оилаларнинг 29 нафар, тиббиёт ходимларидан 12 нафар, таълим ходимларидан 20 нафар аёл бепул соғломлаштирилди. Фарзанд кўрмаган ёш оила вакилларидан 12 нафари «Умид гулшани» санаторийсида имтиёзли равишда соғлигини тиклади.

«Ҳунарманд» уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда Наманган шаҳридаги «Муяссарбегим» уста-шогирд мактабида фаолият кўрсатаётган ёш ҳунармандлар ўртасида «Қизлар давраси» кўрик-танлови ўтказилди. 7 нафар ёш ҳунарманд қизларимиз 5 та шарт бўйича беллашдилар.

Хотин-қизлар комиссияси таклифи билан 200 нафар аёлнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларга саёҳати ташкил этилди.

Соғлом она ва бола йилида комиссиямиз хотин-қизларнинг меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби муҳим жиҳатларга эътиборни янада кучайтиради. Чунончи, аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги, қизлар тарбияси ва маънавиятини юксалтириш борасидаги ишлар янада кенгайтирилади. Қолаверса, оналаримиз саломатлиги, оилаларда соғлом муҳит яратиш, қизларимиз маънавияти ва соғлиги, касб эгаллаши каби масалаларга эътибор қаратиб, белгиланган вазифалар асосида уларни янада жонлантиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Гулчеҳра ҚАЗАКБАЕВА,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотин-қизлар комиссияси раиси

Меҳнат муҳофазаси

Ижтимоий шериклик асосида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Идораларо ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар масъул вакиллари иштирок этган мажлисда мавзуга доир муҳим масалалар муҳокама қилинди.

ЎзКУФК раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев республикамизда барча соҳаларда техник ва технологик ривожланиш жадал давом этаётгани, бу эса ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, шунингдек, меҳнатини муҳофаза этишда янгича қарашлар, янгича ёндашувни талаб қилишини таъкидлади. Касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларнинг соғлигини сақлаш, касбий ва умумий касалликларнинг олдини олишни асосий вазифалардан бири деб ҳисоблаши, бу борада давлат идоралари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик доирасида кенг кўламли ишлар олиб бораётганини айтиб ўтди.

Йиғилганлар мутахассисларнинг «Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» доирасида 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида маърузаларини тинглашди. Маърузалар юзасидан қизғин мунозаралар бўлиб ўтди.

Жумладан, Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши таркибига кирувчи корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ўринларининг меҳнат шароити ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан шаҳодатдан ўтказилиши мониторингини олиб бориш, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги масалаларини ўрганиш натижаси бўйича билдирилган фикрлар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Аттестациядан ўтказиш натижасида соҳа корхоналарида 4557 нафар ходимнинг имтиёзли шартларда нафақага чиқиш ҳуқуқи тасдиқлангани, 11 925 нафар ходимда йиллик қўшимча таътилга чиқиш имконияти вужудга келгани, 6554 нафар ходимга бепул сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқати бериш имтиёзи белгилангани таъкидланди.

Шунингдек, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси мутахассиси Абдували Эргашев ишчи гуруҳнинг ўрганишидан сўнг соҳада тегишли қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимини оширишга эътибор кучайтирилганини алоҳида қайд этиб ўтди.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош муҳандисининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича ўринбосари Сергей Череменский касб касалликларининг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш бўйича қонун ҳужжатларига киритилиши лозим бўлган ўзгартишлар, бахтсиз ҳодисалар бўйича электрон бюллетенлар хусусида гапириб, хавфли ишлаб чиқариш объектлари экспертизаси масалаларига эътиборни қаратди.

Йиғилишда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бўлим бошлиғи Абдуғафур Нарзуллаев меҳнатда майибланиш, ногиронликни белгилашда электрон базалар тизимини яратиш ва бошқа жиҳатлар ҳақида фикр билдирди. Ўзбекистон Республикасининг бош профпотологи Шарифа Маҳмудова эса йиғилганларни республикамиздаги касб касалликлари таҳлили натижалари билан таништирди.

Идораларо ишчи гуруҳ йиғилишида келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Ишчи гуруҳ аъзолари «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза билдиришди.

Нодира КАРИМОВА,
ЎзКУФК Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Ижтимоий ҳимоя

Ижтимоий шериклик афзаллиги ходимларга қўшимча шароитлар яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги имкониятларида намоён бўлаётир. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ана шу асосда иш юритмоқда.

Ҳамкорлик

Аграр соҳага иқтидорли кадрлар тайёрлаб келаётган институтда ходимлар ва улар оиласи ижтимоий муҳофазаси, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ўзига хос тажриба бор. Мисол учун, ҳар бир ходимдан спортнинг бирор тури билан шуғулланиш талаб этилади. Маъмурият ва касаба уюшмаси қарийб ҳар чоракда профессор, ўқитувчилар, ходимлар, ётоқхонада турувчи талабалардан ташкил топган жамоалар ўртасида турли спорт мусобақалари уюштирмоқда.

— Институтимизда ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этиш билан биргаликда, уларни йил ўн икки ой сархил, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қиламиз. Мевалар, гўшт, сут, асал маҳсулотлари тажриба хўжалигимизда етиштирилади, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Ахназар Ҳосилбеков.

Ходимлар жамоа шартномаси асосида иш берувчи ҳамда касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан рағбатлантириб келинаётир. Ишда алоҳида намуна кўрсатганлар доимий эътиборда. Институтда ташкил этилган икки авлод учрашувида ушбу даргоҳга меҳнати сингган, айни чоғда қарилик гаштини сураётган 18 нафар кекса тақдирланди. Касаба уюшмалари тасарруфидаги сиҳатгоҳларда 13 нафар ходим имтиёзли дам олдирилди. Уч нафар кексага саломатлигини бепул тиклаш имконияти яратиб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кичик бизнес — тараққиёт ва фаровонлик омили

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислоҳотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури янги турдаги, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини кенгайтирмоқда. Дастурга киритилган корхоналарга берилаётган имтиёзлар, технологик ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, хом ашёнинг божхона ҳамда солиқ тўловларидан озод этилгани ютуқлар омили бўлмоқда.

Сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар

Мазкур имкониятлар самарасини пойтахтимиздаги "Осиё батарея" қўшма корхонаси фаолиятида ҳам кўриш мумкин. 2000 йилда ташкил қилинган корхонада жаҳон талабларига мос, замонавий турдаги иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик ва канализация тизимлари учун полипропилен ва поливинихлорид пластик қувурлар ва фитинглар ишлаб чиқарилмоқда.

2008 йилда корхонада эллик турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бозор талабларини доимий ўрганиш, ишлаб чиқариш жараёнига энг сўнгги янгиликларни жорий этиш, ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирги вақтга келиб 300 турдан зиёд маҳсулот ўзлаштирилди.

Корхона мутахассисларининг таъкидлашича, труба ва фитинглар тайёрлаш учун ҳар хил турдаги ёрдамчи хом ашё керак бўлади. Буларнинг четдан олиб келиниши табиийки, маҳсулот таннархига таъсир кўрсатади. Қўшма корхонада маҳаллийлаштириш дастурининг татбиқ этилиши натижасида хом ашёни четдан олиб келишга чек қўйилди.

Корхона замонавий 15 станок билан жиҳозланган. Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, буюртма асосида замонавий турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги пайтда яна 6 станок ҳамда том ёпишда қўлланиладиган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги технологияни олиб келиш режалаштирилмоқда.

Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам доимий мижозларига эга. Сўнгги беш йилда корхона томонидан 5 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилингани бунинг яққол далилидир.

Қўшма корхонада бугунги кунда 57 киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар ташкил қилади.

— Касб-ҳунар коллежини тамомлаган, касби бўйича юқори билим ва малакага эга кадрлар ишлаб чиқаришга фаол ҳисса қўшмоқда, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Муҳаммадбашир Алижонов. — Замон талаблари асосида таълим олиб, ўқишни амалиёт билан мустаҳкамлаётган ёшлар тайёр мутахассис бўлиб сафимизга қўшилмоқда. Жорий йилнинг охиригача ана шундай яна ўн нафар ёшни ишга қабул қилишни режалаштирганмиз.

Даврон СУННАТОВ,
ЎзА мухбири

Водийда ягона йўналиш

қулай инвестиция муҳити натижасида ишга туширилди

Андижон шаҳрида жинси матосидан шим ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Lemon international» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Хитой хорижий корхонаси иш бошлади. Натижада, 120 нафар хотин-қизга меҳнат дафтарчалари очилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори иқтисодиётга маҳаллий ва чет эл инвестицияларини янада кенг жалб этишда муҳим қадам бўлди. Хусусан, қурилиши тугалланмаган ва бўш турган бинолар тадбиркорлик субъектларига «нол» харид қийматида берилиши етакчи тармоқларни ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этаётир.

«Lemon international» ҳам собиқ «Бобур» ип-йигирув фабрикаси негизида ташкил этилди. Уч йил давомида 6 миллиард 150 миллион сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти қисқа фурсатда ўзини оқлаши мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Дастлабки босқичда инвестиция қийматининг тенг ярми олиб кирилди. Айни пайтда бу ерда замонавий технологиялар асосида 25 турдаги маҳсулот тайёрланаётир.

— Юртингизда тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратилганлиги таҳсинга сазовор, — дейди корхона директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ли Жен Хай. — Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан ички бозорга юқори сифатли кийим-кечаклар етказиб беришни мақсад қилганмиз.

Қайд этиш жоизки, Фарғона водийсида мазкур йўналиш бўйича ягона бўлган корхонада буюртма асосида кунига 600 дона шим тикиляпти. Маҳсулот хом ашёси Хитойдан келтирилмоқда. Юқори малакага эга дизайнер ва чеварлар дунё бозорида урфга кираётган фасон ва кўринишларни нозик дид билан амалиётга татбиқ этишмоқда.

— Оқёр саноат касб-ҳунар коллежини тамомладим, — дейди тикувчи Соҳибахон Тўхтаева. — Корхонамиз янги ташкил топган бўлса-да, шароит ва қулайликлари кўнгилдагидек. Маҳсулотларимиз бозорда тез харидорини топгани бежиз эмас. Ишлаб чиқариш цехлари ўртасида сифат ва самарадорлик бўйича беллашув натижалари ҳар ой якунида эълон қилиб борилади. Энг илғор чеварларни қўшимча равишда рағбатлантириш жорий қилинган. Бу янада масъулият билан ишлашга чорлаяпти.

Жорий йилдан лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилади. Корхона иш юритувчиси Яҳёхон Раҳматжоновнинг таъкидлашича, жинси материалдан барча турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш, шунингдек, келгусида хом ашё етказиб беришни маҳаллийлаштириш режалаштирилган. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштириш баробарида яна қўшимча иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат

2014-2015 ўқув йилида Қўшкўпир туманидаги политехника ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини тугаллаб, «Жасмин чевар» оилавий тикувчилик корхонасига ишга кирдим.

Ҳунар эгаллаб, барака топ

Ҳозирда тикувчилик соҳасидаги назарий билимимни амалиётда қўллаяпман. Битта футболкани тайёрлагунга қадар чевар қизлар билан биргаликда тикув, андоза олиш, нақш, гул солиш каби бир неча жараёнларда иштирок этишимизга тўғри келади. Қилган ишимиз, тиккан кийимларимизнинг сифатига мутаносиб равишда маош оламиз. Бозор расталарида, дўконларда сотилаётган, ўз қўлимиз билан тикилган аёллар ва эркаклар кийимларини кўриб, халқимизга фойдам тегаётганидан қувонаман.

Келгусида тикувчилик корхонаси очиб, ўзим каби коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ниятидаман. "Жасмин чевар" раҳбари Музаффар Маҳмудов корхонани қандай ташкил қилгани ҳақида тез-тез сўзлаб беради ҳамда фаолияти тобора ривожланаётганидан ифтихор туяди. Бу йил ҳам ўқувчиларни амалиёт ўташга таклиф қилиш ниятида эканини билдириб, чеварликка астойдил қизиққанларни ишга олиш имконияти мавжудлигини айтди. Корхонада ва туманда тадбиркорлар учун ўтказилаётган семинарларда ўрганганларим келгусида асқотишига ишонаман.

Сафаргул ИБРОҲИМОВА,
«Жасмин чевар» оилавий корхонаси тикувчиси

Имтиёзли имкониятлар

Соғлом муҳит ва иш шароити кўнгилдагидек ташкил этилган жойда ютуқлар ўзини кўп ҳам куттириб қўймайди. Бундан бир неча йил аввал масаланинг ана шу жиҳатларини ўйлаб корхонамизда бошланғич касаба уюшма ташкилотини тузишга қарор қилдик. Кўриб турибмизки, аъзо бўлиб адашмаган эканмиз.

Корхонамиз сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 36 нафар ходим меҳнат қилади. Барча иш ўринлари шаҳодатланган. Маҳсулотларимизнинг муайян қисмига рангин бўёқлар орқали жило берилади. Шунга кўра, ишчиларимизни мунтазам равишда сут маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Маъмурият томонидан тушлик, йўл ҳақи ва бошқа бир қатор имтиёзли тўловлар амалга ошириб келинмоқда. Таътил жадвали асосида дам олиш, турли сиҳатгоҳлар хизматидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Ходимлар гимнастикаси билан шуғулланиш жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, бу барчага манзур бўлмоқда. Киши саломатлигига хизмат қилувчи тадбир аъзолардаги зўриқишнинг олдини олиб, ишчанлик қобилиятини ошираётир.

Ҳар бир жамоада ходим манфаати устувор бўлмоғи шарт. Ана шунда ривожланиш бардавом бўлаверади.

Шоҳиста МАНСУРОВА,
Самарқанд шаҳридаги «Армуғон» хусусий корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси

Инвестиция лойиҳалари — юксалиш гарови

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал иқтисодий зонасининг йилдан-йилга салоҳияти ортиб бормоқда. Ҳар йили янгидан-янги корхоналарни ишга туширишорқали юзлаб касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга қабул қилиниб, минглаб маҳаллий ёшлар бандлиги таъминланаётир.

Ҳозирда «Навоий» эркин индустриал иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Германия, Италия, Ҳиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар иштирокида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Вилоятимизга замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиш имкониятлари ҳам муттасил кенгаймоқда. Айниқса, кейинги йилларда корхоналар томонидан илғор технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани таҳсинга лойиқ.

«Навоий» эркин индустриал иқтисодий зонасининг фаолияти турмуш фаровонлиги сифат жиҳатидан янги, янада юксак поғоналарга кўтарилишда ўзига хос омил бўляпти.

Норимхол НУРМОНОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Барча жабҳаларда ижтимоий шерикликни амалга ошириш ва уни такомиллаштириш касаба уюшма ташкилотлари Жиззах вилояти ҳудудий бирлашмаси кенгашининг доимий диққат-эътиборида.

Янги марралар сари

Ғаллаорол туманида фаолият бошлаган корхонамиз 185 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлади. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчилари.

Японияннинг "Juki" компаниясидан келтирилган 126 дона сўнгги русумдаги замонавий тикув машиналарида асосан ёшлар меҳнат қилмоқда.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти жамоамиздаги ҳар бир ишчи-хизматчига зарур меҳнат шароити яратиб берилиши, меҳнатга ўз вақтида муносиб ҳақ тўланиши сингари долзарб масалаларда жамоа шартномаси орқали биз билан бевосита мулоқотда бўлиб келмоқда. Франциянинг Париж шаҳрида анъанавий тарзда ташкил этиладиган "Лидерлик учун юлдуз" танловида жамиятимизга омад кулиб боқди, халқаро ютуқ бизга насиб этди. Бу эса барчамизни янги марралар сари илҳомлантириб юборди.

Миржалол АЗИМОВ,
«Наргиза-Текс» масъулияти чекланган жамият раҳбари

Кўп нарса бошланғичга боғлиқ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотларни касаба уюшмаларига жалб этиш борасидаги тегишли қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида амалга оираётган ишларимиз ижобий самарасини бермоқда.

Аъзолик афзалликларини кенг тарғиб қилиш натижасида ўтган йил давомида 2226 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 9708 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Уларда 904 та бошланғич, цех қўмиталари, касаба уюшма гуруҳлари тузилди. 1324 та якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва ҳунармандлар касаба уюшма ташкилотлари таркибига аъзо сифатида жалб этилди.

Тармоқ келишувларига мувофиқ вилоятда фаолият кўрсатаётган 2000 га яқин ҳунарманд, кўплаб оилавий корхона, тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида меҳнат қилаётган нодавлат корхонадаги ходимлар ҳам сафимиздан жой олди.

Бугунги кунда ташкил этилаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун етакчи кадрлар салоҳиятини ошириш, жамоа шартномаларини тузиш, иш ҳужжатларини юритиш, жамоаларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, дам олиш тадбирлари, оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш каби муҳим жиҳатларга жиддий эътибор қаратаётирмиз.

Жаҳонгир НУРУЛЛАЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Меҳнат рағбатга ундайди

(1).

Таъкидлаш жоизки, танловга тақдим этилган материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ибратли ишлар, шунингдек, касаба уюшмаларининг инсон манфаатлари, айниқса, хонадонларимиз кўрки бўлган кексаларимизга ҳар томонлама эҳтиром кўрсатиш, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимиз, отаоналаримиз дуосини олиш, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш каби масалалар ўз аксини топган мақолаларга эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Р.Самарбеков Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, касаба уюшма аъзоларининг жамиятдаги фаоллигини янада юксалтириш хусусида тўхталди.

Танлов ғолиблари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

— Касаба уюшмаларининг юртимизда амалга ошираётган туб ислоҳотлар ҳамда фахрийларни эъзозлаш, ҳар бир инсон юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини мазмунли ўтказиш йўлида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ, — дейди Тошкент вилоятидаги «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори, «Фахр этамиз сен билан, Ватан» мақоласи билан касаба уюшма фаоллари ўртасидаги йўналиш бўйича биринчи ўринни қўлга киритган Йўлчибой Раҳимжонов. — Эътироф этиш керакки, касаба уюшма тизимида кексаларни қадрлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган хайрли ишларни тарғиб этишда таҳририятнинг ўрни беқиёсдир. Бундан кейин ҳам таҳририят билан ижодий ҳамкорлигимизни давом эттириш ниятидаман.

Раъно МАҲҚАМОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Касаба уюшма спорти

Кўчма кубок ғолиби аниқланди

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, ЎзКУФК «Касаба сайр» ШК ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида тизимга кирувчи акциядорлик жамият, компания, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимларидан тузилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол бўйича кўчма кубок учун Республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса ёш мутахассислар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга жалб этиш, меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиш, жисмоний тарбия ва спортни соҳа ходимлари ҳамда улар оила аъзоларининг кундалик турмуш тарзига айлантириш, шунингдек, мазкур спорт турини янада оммалаштириш мақсадларида ташкил этилди.

Тармоқ тизимида спортнинг қатор турлари бўйича мусобақаларни янада оммалаштириш ва ходимларнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун кундалик эҳтиёжига айлантириш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

— Соҳа кубоги учун 2000 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур спорт мусобақаси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу спорт мусобақаси тобора оммалашиб, соҳадаги алоқа корхоналарининг барчасида зўр қизиқиш билан ташкил этилаётир. Йилдан-йилга мусобақанинг савияси юксалиб, ўйинларнинг тартиби ва интизом талаблари мукаммалашмоқда. Мусобақа иштирокчилари томонидан билдирилаётган таклиф-истаклар негизида мусобақа Низомига қатор қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилди, — дейди Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Юнус Гапуров.

Мусобақанинг республика босқичида 13 та ҳудуд ва Тошкент шаҳридан 3 та терма жамоа (жами 16 та жамоа таркибида 128 нафар иштирокчи) Кўчма кубок совринини қўлга киритиш учун беллашди.

Қизғин ва шиддатли кечган мусобақада 1-ўрин ҳамда Кўчма кубок «Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали терма жамоасига насиб этди. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Фарғона вилояти терма жамоалари кучли учликдан жой олишди.

— Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган турли мусобақаларнинг оммалашиб бораётгани қувонарлидир, — деди ғолиб жамоа вакили Улуғбек Ёдгоров.

— Бу йилги мусобақада жамоаларнинг яхши тайёргарлик кўргани сезилиб турди. Савия ошганини кучли рақобатдан билиб олса бўлади. Муҳими, турли вилоятлардан келган касбдошларимиз билан дўстона руҳда беллашганимиз, алоқаларнинг янада мустаҳкамланиб бораётгани, — деди Фарғона вилояти терма жамоаси аъзоси Лутфулло Болтаев.

Мусобақанинг тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзоҳидов, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев ва бошқалар иштирок этди.

Ғолиб жамоалар ва турли номинациялар бўйича совриндорлар ташкилотчиларнинг махсус диплом, медал ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мусобақа иштирокчилари учун Тошкент шаҳридаги музей ва диққатга сазовор масканлар бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1	Вилоят божхона бошқармаси мажмуий биносининг янги замонавий комплекс қурилиши	11 701 314 704 сўм	9 751 095 586 сўм	24 ой 2016-2017 йиллар

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Божхона қўмитаси маблағлари ҳисобидан
Буюртмачининг манзили:
– Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Г. Абдурахмонова кўчаси, 7-уй.
Телефон: (0-367) 227-89-08. Факс: (0-367) 227-89-45.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

2014 йилнинг 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Тел (факс): (0 3672) 27-64-42. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 158 300 сўм.***

Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

Корхона ва кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот-14/1	Янгиқўрғон туман, Заркент КФЙдаги 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал қайта қуриш	2 045 477 959	1 704 564 966	200 кун
Лот-14/2	Косонсой туман, Тергачи КФЙдаги 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал қайта қуриш	2 482 146 405	2 068 455 337	200 кун
Лот-15/1	Тўрақўрғон туман, Бураматут КФЙ, Ўрда МФЙдаги 28-сонли умумтаълим мактаб учун ёрдамчи хонаси билан 18х30м ўлчамли спорт зал қуриш	1 161 624 617	968 020 514	200 кун
Лот-15/2	Тўрақўрғон туман, Ёртепа КФЙ, Ёртепа МФЙдаги 42-сонли мактаб учун ёрдамчи хонаси билан 18х30м ўлчамли спорт зал қуриш	1 159 980 015	966 650 012	200 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А. Темур кўчаси, 105 уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел: (0 369) 233-53-78, 233-06-11

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: *Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллика эга ҳисобланади;*

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоларига фақатгина Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга Наманган шаҳри, Навоий кўча, 22 уй. Тел.факс: (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин. Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – объект қиймати 500 млн. гача 140 000 сўм, 500 млн.дан 1 млрд.гача 160 000 сўм, 1 млрд. сўмдан юқорисига 186 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этиш охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш., А. Навоий кўча, 22-уй.

Хизматлар лицензияланган.

Орамиздаги одамлар

Меҳри тулпорга пайванд

Жўрабой полвон тўрт яшар ўғли Узоқбойни эгарга ўтқазганида болакай қорабайирнинг ёлларидан маҳкам тутди. Буни кузатиб турганлар ундан келажакда яхши чавандоз чиқишини айтишди. Ўн тўрт ёшга тўлганида отаси унга кўпкари сирларини ўргата бошлади. Илк сабокда чопиб кетаётган от устидан эгилганча тангалар тугилган рўмолчани олиш машқини эгаллади. Ўн олтига кирганида Жўрабой ота ўғлига арғумоғини берди. Узоқбой энди ақлли ва зийрак жониворни парваришлашни ўзлаштира бошлади. Отларни фарқлаш, улар хоҳишини илғашнинг ҳадисини олди.

Бир воқеа сабаб Узоқбой отнинг инсонга садоқати чексиз эканини англади. Зим-зиё тунлардан бирида у Ғўбдин тоғи оша уйига қайтаётган эди. Бундай пайтларда отлиқ инон-ихтиёрини тулпорига топшириб қўяди. Чунки кечаси от йўлдан адашмайди.

Кутилмаганда жонивор кишнаб, сапчиди ва чавандозни йиқитиб, чопиб кетди. Одатда бўри ҳуркитганда шундай бўлади. Узоқбой ўзини қўлга олиб арғумоғини чақира бошлади. От эгасининг овозини эшитиб, ортга қайтди. Чавандоз эгарга маҳкам ўрнашгандан кейингина қияликдаги ёлғизоёқ йўлдан илдамлик билан Олмали қишлоғи сари йўрғалади...

У Бахмал туманининг Ойқор қишлоғида бўлиб ўтган кўпкарида илк марта улоқни сомонга ташлади. Шунда жарчи эълон қилди: «Қанглилик ўн олти ёшли Узоқбойнинг соврини ҳалол».

Шундан сўнг кўпкариларда бўлиб, улоқчи сифатида ном қозонди. Галлаоролликлар Узоқбойдай полвони борлигидан фахрлана бошлади. «У пайтлар машина қаёқда эди, полвонлар отда неча юз чақирим йўл босиб кўпкарига бориларди», дея эслайди полвон. Йигит ана шундай кўпкарилардан биридан қайтишда уюр ҳайдаб келаётган кекса отбоқарга дуч келиб, отлардан бирига харидор бўлди. Сотиб олгач, отахон «яхши бияни танладинг, зоти яхши жониворнинг», деди. Кекса отбоқар тўғри айтган экан, шу биядан туғилган қашқа жийрон тўрт йил ўтар-ўтмас зўр улоқчи отга айланиб, полвоннинг доимий йўлдоши бўлди. Қуюндай чопиб, тўдани ёриб кирадиган, улоқ ёнига келганда чўккалаб, эгасига уни олишга ёрдам берадиган арғумоққа кимлар харидор бўлмади, дейсиз. Аммо дўст сотилмаслигини полвон яхши биларди.

Кўпкарилардан бирида Узоқбой отидан йиқилди. Аммо оёғи узангида қолиб кетди. Эгасининг тура олмаётганини кўрган жийрон узангининг арқонини тишлари билан чайнаб узди. Арғумоқнинг бу меҳрибонлиги ёдига тушганида полвон ҳар сафар тўлқинланиб кетади. Йил йилни қувлаб ўтди. Полвон қирқ беш ёшни қоралади ва улоқ чопишни тўхтатди. Аммо улоқчи от парваришлашни қўймади. Ўзи айтадики, кунига зийрак ва ақлли жониворни бир марта айлантириб келмаса, қовурғалари ёпишиб, худди бир нарсасини йўқотгандек беҳузур бўлиб юради.

Отларни жонидан ортиқ кўргани туфайли Узоқбойга ўзи туғилиб ўсган Қангли қишлоғидаги жамоа хўжалигига қарашли уюрга эгалик қилишни таклиф этишди. У ҳеч иккиланмасдан отларни қабул қилиб олиб, йилқичиликни ривожлантиришга ҳиссасини қўша бошлади. Уюрга наслдор арғумоқлар олиб келинар ва янги зотлар пайдо қилинарди.

Хўжалик йилқилари Бахмал ва Қўйтош тоғлари этагидаги серўт яйловларда бир неча уюрларга ажратиб боқилар, тажрибали отбоқарга ўғиллари Рустам, Сарвар ва Сардор яқиндан кўмак берарди.

Таниқли чавандоз Узоқбой Жўрабоевнинг оиласини у истиқомат қилаётган Галлаорол туман Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қангли, Тутли ва Қорақўйли қишлоқлари аҳолиси ўзларига ибрат деб билишади. Узоқбой бобо ва унинг турмуш ўртоғи Тожихол момонинг беш нафар фарзанди, ўн олти нафар невара-чеваралари бор. Ҳозир ўғилларидан Рустам ва Сарвар вилоятда ўтказилаётган улоқ-кўпкариларда қатнашиб, кўплаб совринларни қўлга киритишмоқда.

Таниқли чавандоз Узоқбой отанинг оила аъзоларини ҳар тонг отларнинг кишнаши уйғотади...

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Чиноз тумани Ягона дарча маркази томонидан 2016 йил 7 январда 655/3175-сонли давлат реестридан рўйхатдан ўтган "CHINOZ GOLD MEBEL" хусусий корхонаси (СТИР: 303689248) ташкилий ҳуқуқий шаклини ва мулкчилик шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартиради.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вазирлик Бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор

Нигматулла РАҲМАТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг яқинларига таъзия билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: O.Rustamova
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **22:10**
Topshirildi — **22:50**
1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 115.
20775 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133